
Хонатлас-миллий қадриятларимиз тимсоли

Атлас матолари ўзининг турфалиги, гўзаллиги, қадимий ва бетакрорлиги билан неча асрлардан бери дунё аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Шунинг учун ўзбек миллий матосининг мухлислари талайгина.

Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Ўзбекистон туманида ҳам 9-14 сентябрь кунлари “Хон атлас ҳафталиги” кўтаринки кайфиятда ўтказилди.

Ҳафталик доирасида туман оила ва хотин-қизлар бўлими ва ҳамкор муассасалар ташаббуси билан турли тадбирлар, мушоиралар, учрашув ва челленжлар ташкилланди.

Хусусан, тумандаги 42-давлат мактабгача таълим ташкилотида бўлиб ўтган тадбирда ҳам халқимизнинг кўп асрлик ўтмиш маданияти, урф-одат ва анъаналари, диди, эстетик қарашлари, шунингдек, ташқи қиёфа, либос борасида ўзига хос хусусиятлари яна бир бор намоиш этилди.

2024-09-16 17:28:59